



УДК: 631.527

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ВЎЗА НАВЛАРИНИ ХИТОЙ-ШИНЖОН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЕТИШТИРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Алламбергенов Т.Д., Муллабаев Б.А.,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаш ишчи гуруҳ
аъзолари, baxrammullabayev@mail.ru*

Исмайлова Г.Д.

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти 1-босқич
докторанти*

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17536995>

Annotatsiya. *Хитой-Шинжон технологияси пахтачиликда янги усул. Қорақалпоғистон шароитида хорижий ва маҳаллий навларда уни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.*

Kalit so‘zlari. *Хитой-Шинжон технологияси, хорижий ғўза навлари, сугориш, плёнка остига экиш, ҳосилдорлик, тупроқ, унумдорлик.*

Annotation. *The technology of Xinjiang, China is the new method in cotton production. Implementing it on local and foreign varieties of cotton is crucial.*

Key words. *Xinjiang, China technology, foreign cotton varieties, irrigation, planting under a plastic film, productivity, soil, fertility*

Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида Хитойдан келтирилган ғўза навларини жойлаштириш ва уларни Хитой-Шинжон технологияси услубида етиштиришни ўрганиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, бу йил Амударё туманида 1082 гектар ва Беруний туманида эса 726 гектар майдонга бу йил асосан Хитойдан келтирилган “Xin Lu Zhong-52”, “Xin Lu Zhong-73” ва “Hongtai-6636” навлари экилди. Шундан очик майдонларга экилган хорижий ғўза навлари майдони Амударё туманида 1016 гектар ва Беруний туманида 688 гектарни ташкил қилди. Экиш схемаси 76x10 қилиб қўш қаторлаб экилди. Гектарига 25кг уруғлик сарфланди ва махсус Хитойдан келтирилган сеялкада экилди. Натижада бир гектар майдонда 240-250 минг дона кўчат олишга эришилди.

Плёнка остига Амударёда 66 гектар ва Берунийда 38 гектарга ушбу навлар асосан март ойи учинчи декадасида экилди. Хитой ғўзаси аслида ушбу давлатда плёнка остига экилади ва томчилатиб суғорилади. Чунки уни бу усулда экканда биринчидан тўлиқ униб чиқиши таъминланади. Иккинчидан бизнинг шароитда баҳор ойлари салқин ва ёғингарчилик кўп кузатиладиган ой ҳисобланади. Айнан ўша баҳор ҳавосининг инжиқлигини



ҳисобга олсак плёнка остига экиш жуда маъкул келади. Учунчидан бегона ўтларни ривож олиши минимум даражани ташкил қилди. Сабаби плёнка остида уларни униб чиқиши қийинлашади ва улар плёнка остида униб чиқа олмайди. Буни бизнинг олиб борилган кузатувларимиздан маълум бўлди. Тўртинчидан суғориш пластмасса қувурлари орқали-томчилатиб берилди. Бу эса сув сарфини камайтириш ва тупроқ намлигини бир меъёрда сақлашни таъминлайди, шу жумладан суғориш меъёрини 3-4 мартага камайтириш ҳисобига сувни иқтисод қилишга замин яратади. Бешинчидан плёнка остидан томчилатиб суғориш орқали суяқ ўғитларни бериш имкони яратилади ва бу усул орқали уни озикланиши таъминланади [2]. Аммо барча ғўза экилган майдонларда томчилатиб суғоришни ташкил этиш анча муаммога айланган. Сабаби пахтакор фермерларимиз ўзида мавжуд томчилатиб суғориш иншоотларига лоқайдлик билан қараб, ўзида бор бўлган интенсив суғориш тизимидан фойдаланмасдан келмоқдалар.

Плёнка остига экиш усулини камчилиги шундаки, бошланғич (плёнка ва суғориш иншоотини қуриш) харажатлари кўплиги фермерларга бироз қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо бу усулда охириги натижалар таҳлил қилинганда ва қайта ҳисоблаб кўрилганда буни аксини кўриш мумкин [1]. Масалан, пахта эрта экилади ва тез суръатларда етиштирилади. Ўрнига бошқа оралиқ экинлар экиб, бир даладан 2-3 марта ҳосил олиш, яъни қўшимча даромад олиш имконияти туғилади. Иккинчидан бегона ўтларга қарши гербицид ишлатиш плёнка остига шарт бўлмай қолади. Бундан ташқари культивация ва ерга ишлов бериш ишлари анчага қисқариб, уларга кетадиган харажат кескин камайишига эришилади. Қурғокчилик шароитида ҳам сувдан иқтисод қилинади, яъни суғориш меъёрлари кескин камаяди.

Очиқ майдонларда экилган ғўзани Хитой-Шинжон усулида етиштиришда агротехник талаблар ўзгача. Хитой ғўзаси экиладиган майдонларни барчасида бегона ўтларга қарши 2-3 марта гербицидлар билан ишлов берилиши керак. Сабаби Хитой ғўзалари гербицидга анча чидамли. Чунки бу навларни генига гербицидга чидамлилиқ мавжуд генлар юктирилган бўлиб, маҳаллий навларга қараганда гербицидга чидамлилиги юқоридир. Бу эса ўз навбатида далани бегона ўтлардан бутунлай тозалаш имконини беради ва ғўзани яхши ўсишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хитой-Шинжон технологиясини барча ғўза навларида, жумладан маҳаллий навларни етиштиришда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу усулда, яъни маҳаллий навлар экилган далаларда гектарига 150-180 минг кўчат қолдирилса, яъни ғўза



76x10см схемада қўш қаторлаб ёки оддий бир қаторлаб экилса пахтадан юқори ҳосил олиш мумкинлиги ушбу туманларимизда олиб борилган тадқиқотларимиздан аён бўлди. Плёнка остига экилган Хитой ғўза навларидан гектарига ўртача 68 центнердан, очик майдонларда эса 56 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Ҳосилни ҳаммаси пахта териш машиналарида терилди ва юқори сортларга топширилди. Маҳаллий навлар Хитой-Шинжон технологияси бўйича етиштирилганда ҳозирги даврда гектаридан ўртача 46 центнердан ҳосил жамланди. Ҳали далада яна 3-5ц/га борлигини ҳисобга олганда камида 50ц/га ҳосил тўпланиши башорат қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Axmedov D.X., Jabborov J.S., Xalikova M.B., Axmedov D.D. Dunyo kolleksiya namunalarining donorlik xususiyatlari. // Paxtachilik va donchilik ilmiy-amaliy jurnal. Toshkent. №1 (10) 2023. –B. 20-24.
2. Mamedova F., Abdullayeva M., Kurbonov A., Rahmatullayev S. Xorij va mahalliy nav-namunalar ishtirokida olingan F1 duragay kombinatsiyalarida bitta ko'sakdagi paxta xomashyosi vazninining irsiylanishi va o'zgaruvchanligi. // j. Agroilm. Toshkent. №5 [103], 2024. –B. 3-4.